2007 йил, 23 февраль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 38 (10.847)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН БЕҚИЁС ҲИССАСИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

### Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси

***Савол.*** *Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши юртимизда катта қувонч билан кутиб олинди.*

*Барчамиз яхши тушунамизки, Тошкент шаҳрининг бундай номга сазовор бўлиши оламшумул воқеа бўлиб, ислом оламидаги нуфузли ташкилотнинг бу қарорга келиши бежиз эмас ва унинг ўзига хос сабаб ва асослари бор, албатта. Мана шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингизни гапириб берсангиз.*

**Жавоб.** Ҳақиқатан ҳам, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрига 2007 йилда "Ислом маданияти пойтахти" деган ном берилиши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеадир.

Барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришгани нафақат халқимизга, айни вақтда яқин ва узоқдаги дўстларимизга ҳам ғурур ва ифтихор бағишлайди, деб ишонч билан айтишга асосларимиз бор.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, у Ислом конференцияси ташкилотининг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, 1979 йили мазкур ташкилотнинг Марокаш давлатининг Фес шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида унга асос солинган. Ислом конференцияси ташкилоти деганда эса, мусулмон оламини бирлаштирадиган ва ўз таркибида 57 та мамлакатни жам этган, халқаро миқёсдаги муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилишда таъсири ва аҳамияти тобора ортиб бораётган нуфузли ташкилотни тушунамиз.

Бир сўз билан айтганда, АЙСЕСКО фаолиятининг асосий йўналишини фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини изчил ривожлантириш, ана шу негизда аъзо давлатлар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш каби муҳим вазифалар ташкил этади.

Шу ўринда мен авваламбор Тошкент шаҳрини 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилган ана шу ташкилотнинг кўпни кўрган, ислом оламида катта мавқе ва ҳурматга эга бўлган раҳбарлари ва фаолларига мамлакат Президенти, қолаверса, шу юрт фуқароси, мусулмон фарзанди сифатида халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Бу қувончли воқеа муносабати билан кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, хорижий мамлакатларнинг элчилари, таниқли олиму уламолардан Ўзбекистон раҳбарияти номига қизғин қутловлар келмоқда. Бу табрикномалар орасида Ислом конференцияси ташкилотининг Бош котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли, Бутунжаҳон ислом лигаси Бош котиби, доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий, АЙСЕСКО Бош директори, доктор Абдулазиз Осман ат-Тувайжирий, Ислом тараққиёт банки Президенти, доктор Аҳмад Муҳаммад Али, Эрон Ислом Республикасининг собиқ Президенти, Маданиятлар ва цивилизацияларaро мулоқот халқаро институти директори Саййид Муҳаммад Ҳотамий, Мисрдаги «Ал-Азҳар» диний марказининг шайхи ва бош имоми, доктор Муҳаммад Саййид Тантавий, Исломобод халқаро ислом университети ректори, доктор Манзур Аҳмад ва бошқа ўнлаб атоқли шахсларнинг юртимиз ва халқимиз шаънига билдирган самимий сўзларини алоҳида таъкидлаш жоиз.





Шунингдек, Ҳиндистон, Туркия, Индонезия, Кувайт каби бир қанча мамлакатларнинг кўзга кўринган давлат ва жамоат намояндалари, оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам шу муносабат билан ижобий фикрлар билдирилгани эътиборга молик.

Шуни айтиш керакки, биз бу инсонларнинг кўпчилигини яқиндан биламиз ва уларни юксак қадрлаймиз. Уларнинг айримлари билан эса ғойибона танишмиз. Матбуотимизда чоп этилган ана шу қутлов ва фикр-мулоҳазалар билан танишар эканмиз, уларда бизнинг қадимий ва бой тарихимиз, миллий қадриятларимизга нечоғлик чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғуси ифода этилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Гарчи бу номалар Ўзбекистон раҳбари сифатида менинг номимга юборилган бўлса-да, уларда битилган табрик ва тилаклар юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларга, бутун халқимизга қаратилганини, табиийки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрга урғу беришни истардим: агарки тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф аввало ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шахсан менга бундай холис ва ҳаққоний баҳодан аввало юртимиз заминида яшаб ўтган мутафаккир боболаримиз, улуғ алломалар ва азиз зотларнинг муборак руҳлари шод бўлаётгандек туюлади ва ўйлайманки, бу фикрга барча юртдошларимиз ҳам қўшилади.

Энди бевосита Тошкентга "Ислом маданияти пойтахти" деб ном беришга асос бўлган омиллар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларнинг тарихий, маданий ва маънавий жиҳатлари хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, фақатгина иккита муҳим йўналишга эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Биринчидан, "Ислом маданияти пойтахти" деган тушунча ўзида қандай маъно-мазмунни ифода этади? Иккинчидан, бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш учун қандай мезон ва тамойиллар асосий сабаб бўлиши мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, бу масалада номзод мамлакатнинг умумий тарихи, хусусан, ислом дини билан боғлиқ тарихи катта роль ўйнайди. Шунингдек, мазкур халқ ҳаётидаги мусулмон динига хос қоида ва арконлар, қадимий анъана ва қадриятлар, ушбу юртнинг асрлар давомида ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, бу ерда қандай юксак тафаккур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтгани ва улар қолдирган илмий-маънавий мерос инобатга олиниши муқаррар. Шу билан бирга, номзод мамлакат томонидан бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар мероснинг қай тарзда сақлаб, асраб-авайлаб келинаётгани, уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва тараннум этиш юзасидан қилинаётган ишларга алоҳида баҳо берилиши табиий.

Барчамизга маълумки, юртимизда ана шундай мерос собиқ шўро даврида ҳам мавжуд эди. Жумладан, бебаҳо тарихий қўлёзмалар махсус фондларда сақлаб келинар ва улардан фақат тор доирадаги мутахассислар илмий мақсаддагина фойдалана оларди. Бу меросни синфий ва мафкуравий нуқтаи назардан эмас, асл инсоний моҳиятига мос равишда чуқур ўрганиш, маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида талқин ва тарғиб қилишга эса мутлақо йўл қўйилмасди. Бунга журъат қилган одамларнинг қандай тазйиқ ва хавф-хатарларга учраши муқаррарлигини яқин ўтмишимиз билан таниш бўлган ҳар қайси одам яхши билади.

Бугунги кунда биз ворис бўлган ана шу моддий ва маънавий меросни замон талаблари асосида кенг ва атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, ундан халқимизни баҳраманд қилиш масаласига Ўзбекистон раҳбарияти ва жамоатчилиги алоҳида аҳамият бериб келаётганини таъкидлаш лозим.

Шу мақсадда диний-маърифий қадриятларимизни ўрганиш, асраш ва ҳимоя қилиш, шу асосда ёш авлодимиз қалби ва онгига эзгу ғояларни сингдириш бўйича олиб бораётган амалий ишларимиз жамоатчиликка яхши маълум.

Биз мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа қадимий шаҳарларимиздаги Шарқ меъморлик санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратмоқдамиз. Баъзи бир йирик обидалар бўйича бундан 15-20 йил олдин бошлаган ишларимиз ҳозиргача давом этмокда.

Таъкидлаш керакки, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш – бу фақат тегишли маблағ ва куч-имконият топишдангина иборат эмас, балки биринчи галда жиддий илмий ёндашувни, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим, тажриба ва юксак салоҳиятни, керак бўлса, маънавий покликни талаб қиладиган мураккаб соҳадир.

Мисол учун, қадимий қўлёзмаларни тўғри ўқиш ва талқин қилиш учун олим ва мутахассисларимиз қанчалик билим, истеъдод ва зеҳн, масъулиятга эга бўлиши зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Кези келганда айтиш лозимки, айнан муқаддас китоблар, диний қўлёзмаларнинг маъносини нотўғри талқин қилиш оқибатида бугунги кунда дунёда турли хил низо ва қарама-қаршиликлар юзага келаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ёки айтайлик, кўҳна мадраса ва масжидлар пештоқига араб ёзувида битилган сўзларни ҳар қандай одам ҳам ўқий олмайди. Нега деганда, исломий хаттотлик санъатининг ўзи бир олам бўлиб, унинг қанча-қанча ўзига хос сирлари бор.

Бугунги кунда бизнинг тарихий мерос масаласига катта масъулият билан қараб олиб бораётган ишларимизнинг амалий тасдиғини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги XI-XV асрлар ёдгорлиги бўлмиш, қадим замонлардан буён бутун мусулмон дунёсининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Шоҳи Зинда мажмуасида уч йил аввал бошлаган кенг кўламли ишларимиз бугун ҳам давом этмокда.

Энг муҳими, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида шу эзгу мақсад йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотурудий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳонуддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкгумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишларини эслаш ўринли, деб ўйлайман.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Тошкент Педагогика коллежида «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида уюштирилган кўрик-танлов «Сиз тарихни биласизми?» деб номланди.

●**БУГУН**дан Республика Ёш томошабинлар театрида Франциянинг «Ламенко» рақс гуруҳининг концерти санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилади. Ушбу концерт дастури 28 февралгача давом этади.

●**БЕКТЕМИР** туманидаги 30-мусиқа мактабида ўқувчиларнинг Республика Давлат «Ниҳол» мукофоти совриндорлари билан учрашуви туман маданият ва спорт бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

●**КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» болалар спорт мажмуасида 1991-1994 йилларда туғилган қизлар ўртасида Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорликларида стол тенниси бўйича уюштирилган мусобақа «Камолот» маликаси» деб номланди.

●**БУГУН** Миробод туманидаги «Локомотив» спорт мажмуасида бадиий гимнастика бўйича Тошкент шаҳар очиқ чемпионати бўлиб ўтди.

●**ШАЙХОНТОҲУР** туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамкорлигида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ЎТГАН куни уюштирилган семинарда тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида ўтказилган тадбирда ёшларнинг билимини мустаҳкамлашда ахборот- коммуникация технологияларининг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар сиёсий партияларнинг 2006 йилдаги ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар. Шунингдек, айрим қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.**

**● Тошкент, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида 2006 йил якунлари таҳлили ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишлари ўтказилди.**

**● Тошкент Ахборот технологиялари университетида глобаллашув жараёнида ахборот хуружларининг олдини олишга бағишланган республика илмий-амалий семинари ўтказилди.**

**● Фарғона Давлат университетида академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 44-йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида замонавий асбоб-анжомлар ёрдамида тараш, пресслаш ва йигириш цехлари ишга тушди. Ўтган йили корхона тадбиркорлари 2 миллион 806 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишган бўлса, жорий йилда бу ерда 8,5 миллиард сўмлик маҳсулотларни ишлаб чиқариш режалаштирилган.**

**● «Ижтимоий ҳимоя йили»да Наманган вилоятида 12 та янги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилади. Хусусан, янги ўқув йили бошигача Наманган туманида 4 гектардан ортиқ майдонда саноат, транспорт ва алоқа коллежи бунёд этилади. Хонобод, Қоратепа, Курмак, Қипчоқ қишлоқларидаги 550 дан ортиқ йигит-қиз бу ерда замонавий мутахассисликларни эгаллаш имкониятига эга бўлади.**

**● Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли 1-завод маъмурияти томонидан Пахтачи туманидаги 41- мактабгача таълим муассасасининг биноси таъмирланиб, янги мебеллар билан жиҳозланди. Таъмирлаш ишларига 13 миллион сўм, юмшоқ мебеллар харид қилиш учун эса 5 миллион сўм сарфланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Италия Президенти Жоржо Наполитано партиялар етакчилари, парламентнинг ҳар икки палатаси спикерлари ва сенаторлар билан учрашиб, Бош вазир Романо Продининг истеъфосини қабул қилиш керакми ёхуд унга янги ҳукумат таркибини тузишни топширсинми, ёхуд сўл коалициянинг бошқа вакилини бош вазирликка сайлаш керакми — рўй берган ҳукумат таназзули юзасидан ушбу масалалар бўйича маслаҳатлашиб олди.**

**● Буюк Британия ва Даниядан сўнг Литва ҳам Ироқдан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетишини билдирди. Мамлакат Бош вазири Юозав Олекс Англия ва Дания қанча аскарини ўз мамлакатларига қайтарса, Литванинг ҳам шунча ҳарбийси Ироқни тарк этишини билдирди. Таҳлилчилар Ироқдаги коалицияда бўлиниш юзага келганини таъкидлашмоқда.**

**● Кеча Нидерландия қироличаси Беатрикс мамлакат янги парламентининг қасамёдини қабул қилди.**

**● Жанубий Африка Республикаси мамлакат атом электростанцияси учун мустақил тарзда уранни бойитиш ишларини бошлашини эълон қилди. Бу ҳақда мамлакат минерал ресурслари ва энергетика вазири Бойилви Сонжики Кейптаунда ўтказилган парламент йиғилишида маълум қилди. Режаларга кўра, 2030 йилга қадар мамлакатда атом электр станцияси қурилади.**

**● БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эронга нисбатан ядровий тадқиқотларини тўхтатиш юзасидан берилган 60 кунлик муддат тугаши муносабати билан БМТ Бош котиби Пак Ги Мун Эронни халқаро ҳамжамият билан музокараларни давом эттириш ва Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясига итоат этишга чақирди.**

**● Кеча халқаро космик станция астронавтлари Майкл Лопес Алегрия ҳамда Михаил Тюринлар профилактик ишларни амалга ошириш юзасидан очиқ коинотга чиқдилар. Бу мазкур таркибдаги халқаро экипажнинг бешинчи бор очиқ космосда бўлишидир.**

**● Сочи шаҳрида 8 март куни ўтказиладиган «Жаҳон гўзали -2007» халқаро танловига тайёргарлик кўраётган, дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган 16 нафар соҳибжамол кеча Чеченистон республикасида бўлиб, диққатга сазовор жойлар билан танишишди ҳамда миллий концерт дастуридан баҳраманд бўлишди.**

**● Кеча Буюк Британия парламенти биносининг вестибюлига ўрнатилган мамлакат собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер бронза ҳайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу Британия тарихида илк бор тирик одамга ҳайкал ўрнатилишидир. Ушбу тадбирда «Темир хоним» лақабини олган 82 ёшли Тэтчернинг ўзи ҳам иштирок этди.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 24 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши мумкин. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 0-2, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

№ 38 (23.02.2007)

# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН БЕҚИЁС ҲИССАСИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

## Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу борада бугун Тошкент шаҳрида жойлашган, Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони сақланаётган Ҳазрати Имом мажмуасида кенг кўламли қайта тиклаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш фурсати келганини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Эътиборли жиҳати шундаки, бундай савобли ишларда қандайдир иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ. Чунки, такрор айтаман, бу – халқимизнинг тарихий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавиятининг юксалиши билан узвий боғлиқ масаладир. Шунинг учун ҳам бу жараёнда обидаларни нафақат қайта тиклаш ва таъмирлаш, айни вақтда уларнинг ён-атрофидаги ўзига хос табиий муҳитни асл ҳолида сақлаб қолиш каби масалаларни ҳам биз эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Биз 1997 йили Имом Бухорий мажмуасини янгитдан барпо этиш пайтида бу ердаги олти-етти аср умр кўрган чинорлар ва қадимий ҳовузни сақлаб қолиш учун барча зарур чораларни кўрдик. Ҳатто чинорлар қандайдир касалликка чалинганда, даволаш учун Тошкентдаги Ботаника илмий-тадқиқот институтидан тегишли мутахассислар юборилган эди. Бундай фикрни Шаҳрисабздаги Дорус-саодат ёдгорлик мажмуасида қад ростлаб турган кўҳна чинорлар мисолида ҳам айтиш мумкин.

Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин.

Олдимизга қўйган бундай эзгу мақсадларга эришишда, миллий қадриятларимиз ва ўзлигимизга садоқат билан ҳаёт кечиришда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саховат ва мурувват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади.

Ўзингиз ўйланг, агар биз истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб тарихий обидаларимизни қайта тиклаш, қадимий ва бой меросимизни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва фарзандларимизга безавол етказиш ҳақида қайғурмасак, бунинг учун астойдил ҳаракат қилмасак, бугун маънавий ҳаётимизни озиқлантириш ва юксалтириш ҳақида гапириш мумкин бўлармиди?

Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида маънавият ва маърифат аҳли, олимлар, зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларидан, бир сўз билан айтганда, шу Ватанга меҳр қўйган ва ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсондан фаоллик ва фидойиликни талаб этади.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби – биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади.

Ўз-ўзидан равшанки, Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак ном берилиши бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Айниқса, неча юз йиллар мобайнида юртимиз ҳудудида яратилган буюк маданий ва маънавий мероснинг туб моҳиятини, унинг кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон аҳлига кенг тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси эканини яна бир бор намоён этиш борасида ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини биз яхши англаймиз.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса аввало ўз имкониятларимизни яна бир бор холисона баҳолаб, яқин келажак ва истиқболдаги энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олишимиз даркор. Шу мақсадда тегишли амалий дастур ишлаб чиқилгани, унда юртимиздаги мусулмон меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини изчил давом эттириш, ислом маданиятини кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар режалаштирилгани, жумладан, пойтахтимизда «Ислом ва бағрикенглик» мавзусида нуфузли халқаро илмий конференция ўтказиш кўзда тутилаётгани айниқса эътиборлидир.

Ўйлайманки, биз, халқимиз, жамоатчилигимизнинг куч-ғайрат ва саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ва сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизга нисбатан билдирилган "Ислом маданияти пойтахти" деган юксак эътибор ва ишончни амалий ишлар билан оқлашга эришамиз, албатта.

Ана шундай эзгу интилишларимизни амалга ошириш йўлида юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, азиз Ватанимизнинг шон-шуҳратини янада зиёда қилишини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

**ЎЛКАМИЗДА БАҲОР НАФАСИ УФУРА БОШЛАДИ. ТЕЗ ОРАДА БУТУН БЎЙ-БАСТИ, ФАЙЗИ ТАРОВАТИ БИЛАН НАВРЎЗИ ОЛАМ КЕЛАДИ. АЛБАТТА, БУНДАЙ ДАМЛАРДА ЖОЙЛАРДАГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ИДОРАЛАРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ ЗИММАЛАРИГА ЮКЛАТИЛГАН МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ЯНАДА ОРТАДИ. САБАБИ, ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, САРАНЖОМ-САРИШТА ҚИЛИШ КЎП ЖИҲАТДАН УЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИГА БОҒЛИҚ.**



*Наврўзи олам яқин*

# БАҲОР ЮМУШЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Буни яхши ҳис қилган Ҳамза тумани ободонлаштириш бошқармаси жамоаси ҳам ўзига бириктирилган ҳудудларда ана шундай эзгу юмушларни амалга ошириш учун қизғин тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди.

— Шу мақсадда бошқармамизда иссиқхоналар ташкил этилиб, туманимиз ҳудуди учун етарли бўлган миқдорда гул уруғлари етиштирилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Дониёр Юсупхўжаев. — Улар айни пайтда мавсумга тахт қилиб қўйилган. Бундан ташқари, ўлкамизда қишнинг сўнгги кунларида Кичик халқа йўли, Оҳангарон шоҳкўчаси, Шолохов, Охунбобоев, Мусахонов ва бошқа марказий кўча бўйларига 8 минг тупдан зиёд игна баргли дарахтлар ўтказилди. Баҳор ойининг дастлабки кунига қадар эса яна 2000 дона ана шундай турдаги дарахтларни экиш режалаштирилган. Шунингдек, кўчаларимиз қишин-ёзин яшнаб туриши учун яна 11 минг 500 туп манзарали дарахт экиш кўзда тутилган. Ўйлаймизки, олиб борилаётган бу ишларимиз шаҳримиз кўркига кўрк қўшибгина қолмай, об-ҳавосининг мўътадиллигига ҳам хизмат қилади. Албатта, биз биргина дарахт кўчатлари ўтказиш билан чекланиб қолганимиз йўқ. Йўл бўйидаги мавжуд дарахтларга шакл бериш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ҳам қизғин бошлаб юборилган. Бу ишларнинг бекаму кўст амалга ошиши учун 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар ажратилган. Улар етарли иш қуроллари билан таъминланибгина қолмай, ишларини енгиллатиш учун 11 та трактор, автомобиль, юк кўтариш машиналари ва бошқа техникалар ҳам ажратилган. Мана шу ишларнинг самараси туфайли бугунги кунда ҳудудимизнинг аксарият қисми кўзни қувонтирадиган даражага келтирилди. Айни баҳор пайтида —Наврўзи олам арафасида амалга оширган ишларимиз янада яққол кўзга ташланади. Бундан эса нафақат биз, балки ҳамшаҳарларимиз ҳам қувонишади, деган умиддамиз.



**Усмон УСМОНОВ**

**СУРАТЛАРДА: туманда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларидан лавҳалар.**

**Муаллиф олган суратлар**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди**

*Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ўтказаётган «Жамият ва Мен» танлови давом этади.*

### Танлов йўналишлари

**Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

- ***энг яхши таҳлилий мақола;***
- ***энг ўткир танқидий мақола;***
- ***энг яхши журналист текшируви;***
- ***интернетдаги энг яхши мақола;***
- ***энг муфассал шарҳ;***
- ***энг яхши фоторепортаж;***
- ***йил дебюти (талаба-журналистлар учун).***

### Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, икки нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид ) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган «Жамият ва Мен» танловига» рукнида танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» байрами арафасида аниқланиб тақдирланадилар.

### Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

### Танлов ғолибларига мукофотлар

**Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом, рақамли фотоаппарат ва диктофон билан тақдирланадилар.**

**Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 1 июнига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри - 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон\ факс: 144-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz.**

**Ташкилий қўмита**

# ЭНГ ЯХШИ ОМИЛ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

**РАСМИЙ МАЪЛУМОТЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИГА КЎРА, СЎНГГИ ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАДОШ МАМЛАКАТЛАРДА АЙРИМ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР, ЖУМЛАДАН, ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР РЕСПИРАТОРЛИ ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР БЎЙИЧА ЭПИДЕМИОЛОГИК АҲВОЛ МУРАККАБЛАШГАН.**

Шунингдек, ичтерлама ва вирусли гепатит билан хасталаниш ҳолатлари ҳам рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Бахтиёр Ниёзматов ЎзА мухбирига ушбу касалликларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишига йўл қўймаслик учун қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида сўзлаб берди.

— Сайёрамизда минглаб турли вируслар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги одам ҳаёти учун хавфлидир, — дейди Б.Ниёзматов. — Вақти-вақти билан улар эпидемия орқали ўзини намоён этиб туради. Кейинги ўн йил давомида инсоният ушбу вирусларнинг янги турлари ва штаммлари, жумладан, ОИТС вируси, "парранда гриппи"ни қўзғатувчи ва одамларга юқадиган H5N1 штаммига дуч келмоқда. 2003 йилдан буён "парранда гриппи" билан дунёда жами 273 киши касалланди, уларнинг 61,2 фоизи ҳаётдан кўз юмди. Бу жуда ҳам ташвишли кўрсаткич. Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ушбу хасталик билан паррандалар, айниқса, одамларнинг касалланганини билан боғлиқ биронта ҳолат рўйхатга олингани йўқ.

Бироқ, хотиржамликка берилмаслик керак. Республикамизда ушбу касалликка нисбатан осойишта вазиятни сақлаб туриш учун эпидемияга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар доимий ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Боз устига, ушбу инфекцияни қўзғатувчи унсурлар ғоят "айёр" бўлиб, бошқа мамлакатларда тез тарқалмоқда. Озарбойжон, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Миср, Индонезия, Ироқ, Камбоджа, Хитой, Россия ва Туркияда "парранда гриппи" рўйхатга олинган. Кўплаб уй паррандалари қирилиб кетмоқда, касалликнинг олдини олиш мақсадида ушбу инфекцияни юқтирган барча қушлар йўқ қилинмоқда. Бу эса иқтисодиётга катта зарар етказмоқда, инфекция ўчоқларини йўқ қилиш учун қўшимча сарф-харажатлар талаб этмоқда. Шу сабабли Ўзбекистонда паррандачилик соҳаси – уй паррандаларини етиштириш билан шуғулланадиган хўжаликлар, ундан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, ушбу маҳсулотлар сотиладиган бозорлар алоҳида назорат остига олинган. Санитария ва ветеринария хизматлари, вирусолог олимлар ва бошқа мутахассислар ҳамкорликда ишламоқда. Мактабгача болалар муассаларида санитария назорати кучайтирилди, одамлар гавжум бўладиган жойлар, шунингдек, жамоат транспорти мунтазам дезинфекция қилинмоқда.

Қўшни давлатларда ичтерлама ва вирусли гепатит каби бошқа юқумли касалликларнинг тарқалиши ҳам биздан қатъий профилактика чораларини кўришни талаб этмоқда. Давлат чегараларимиз кесишган жойлар, жумладан, темир йўл бекатлари ва аэропортларда 89 санитария-назорат пункти кучайтирилган тартибда ишламоқда. Ушбу пунктлар мутахассислари Ўзбекистонга келаётганлар орасидан касалликка чалинганликда гумон қилинаётган одамларни аниқламоқда, мамлакатимизга сифатсиз ҳамда сертификатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида назоратни кучайтирмоқда. Бундан ташқари, чегарадош давлатлардан республикамиздаги дарёлар ва очиқ сув ҳавзаларига оқиб келаётган сув сифати ҳам мунтазам текширилмоқда. Чунки улар инфекцияни тарқатадиган манбага айланиши мумкин. Республикамиздаги барча лабораториялар зарур аппаратура, ташхис қўйиш воситалари, реактивлар билан тўлиқ таъминланди.

Яна шуни унутмаслик лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугун дунёда ОИВ/ОИТС билан касалланган ва уни юқтирган беморлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу офат бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Статистика маълумотларига қараганда, республикамизда ушбу аср вабоси билан касалланиш сўнгги пайтда анча пасайди. Менимча, бу борада энг самарали йўл – соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Хавфли гуруҳга мансуб одамлар, турмуш қураётган ёшлар ва ҳомиладор аёлларга ОИВ бўйича текширувдан ўтишни тавсия этамиз. Шу билан бирга, қон ва унинг препаратларини қуйиш учун қон хавфсизлигини таъминлашга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Қонни тўғридан-тўғри қуйиш ман этилди. Энди бунинг учун фақат лабораторияда синчковлик билан текширилган препаратлардан фойдаланилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, республикамиз давлат санитария ва эпидемиология назорати хизмати доимгидек шай ҳолатда турибди. Бироқ, бу борада фақат шифокорларга ишониб қолмаслик керак. Биринчи навбатда, фуқаролар ўзини турли касалликларни юқтиришдан сақлаши, оддий санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиши, ювилмаган мева-сабзавотларни истеъмол қилмаслиги, қайнатилмаган сувни ичмаслиги, овқат тайёрлаш учун қаерда ишлаб чиқарилгани номаълум сифатсиз маҳсулотларни ишлатмаслиги лозим.

**ЎзА мухбири**
**А.ИВАНОВА ёзиб олди**

*Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...*

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,**
**Кизб дер эл, чин деса, қолғон сўзин.**

Ҳар ким ўз сўзини ёлғон қилса, одамлар унинг қолган сўзини ҳам ёлғон дейдир.

**Кимки, қаноатдин эрур ҳужжати,**
**Яхши-ёмонга йўқ анинг ҳожати.**

Қаноатли киши яхши ёки ёмонлар олдида юз сарғайтириш азобидан холидир.

**Кимники айлай дер эсанг маҳраминг,**
**Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.**

Ҳар ким билан дўст бўлмоқчи бўлсанг, олдин у кишини яхши сина, текшир.

**Киссангда агар дирам йўқ,**
**Кўнгулда кисабурдин ғам йўқ.**

* * *

**Кимники инсон десанг, инсон эмас,**
**Шаклда ҳам феълда яксон эмас.**

Ҳаммани бир хилда одам десанг, бу тўғри бўлмайди. Чунки одамлар шаклда ҳам мазмунда бир хил эмасдир.

**Ким ўлса ҳиммат илгидин кушоди,**
**Не топсинким, топилгандир муроди.**

Кимнинг ҳимматдан баҳраси бўлса, унинг муроди топилган бўлади, яна мурод излашга ҳожат йўқ.

**Киши айбинг деса, дам урмағилким,**
**ул эрур кўзгу,**
**Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг**
**зоҳир айларму?**

Айбингни кўрсатувчи кишига дам урма (қаттиқ тегма), чунки ул ойнадир. Ойна дам уриш билан хиралангач, бошқа айбингни кўрсатолмайдиган бўлиб қолади.

**Киши бўлса ҳам филмасал тавъамон,**
**Бўла олур, ул яхши-ю бул ёмон.**

Эгизак туғилганлар ҳам бир хил бўлолмайдилар, уларнинг бири яхши, бири ёмон бўлиши мумкин.

**Киши ҳанзал экса, ачиғ бар топар,**
**Ва гар найшакар экса, шаккар топар.**

Киши аччиқ экин (итхамак — итқовун) экса, аччиқ ҳосил олади. Агар найшакар экса, шакар олади.

**Киши муҳраро ҳар на қилса нигор,**
**Варақда ҳамул нақш ўлур ошкор.**

Муҳрга нима ўйилган бўлса, қоғозга ҳам шу тушади.

**Киши таълимдин топса малолат,**
**Топар илм аҳли олинда хижолат.**

Ўрганишни оғир кўрганлар илм аҳли қошида уятга қоладилар.

**Киши ўз мадҳин деса, чин доғи бўлса,**
**нописанддур.**

Кишининг ўзини мақташи тўғри бўлса ҳам эътиборсиздир.

**Кўп олтун-кумуш сори қўл сунмағил —**
**Ки, тутсанг кафингни қаро ранг этар.**

Олтин, кумушни тўплашга уринма, чунки уни қўлда тутиш қўлни қаро қилади.

**Кўрмак аввал демакда осонлиқ —**
**Ки эрур, сўнғи бас пушаймонлик.**

Бошда яхши ўйламай сўзлаш кейинги пушаймонга сабаб бўлади.

**Кўрган киши ўткарур забона,**
**Куйган киши кўргазур нишона.**

Ўтни кўрган киши, алангасини ҳам кўради, аммо ўт доғини куйган киши кўрсатади.

**Кўрмагасен йўл аро ранжу надам,**
**Ҳар қадами ўрнига қўйсанг қадам.**

Ҳар бир қадамингни билиб боссанг, алам ҳам кўрмайсан, ҳеч қачон ўкинмайсан ҳам.

**Кўзима ҳар дам ёруғроқтур юзингни**
**кўзгуси,**
**Хосият мундоқ эмиш, ҳар кимда бўлса**
**пок ишқ.**

Юзингнинг ойнаси кўзимга ҳар нафас равшанроқ бўлиб кўринади. Ҳақиқатда ҳам, ҳар кимда пок муҳаббат бўлса, шундоқ хосият беради.

**Кўнгулда тил синони жароҳати бутмас,**
**Анга ҳеч нима марҳам ерин тутмас.**

Тил найзасидан бўлган кўнгил яраси битмайди. Унга ҳеч нарса марҳам бўлолмайди.

**Ким хўйи ёмон бўлса, машаққатдур анга,**
**Ким хўйи анинг яхши, ғаниматдур анга.**

Ёмон қилиқли бўлган кишининг оғирлиғи ҳам ўзига бўлганидек, хушфеълликнинг фойдаси ҳам кишининг ўзигадир.

**Кимсага ёлғончи дебон қолса от,**
**Бу от ила гар десалар ўзу ёт.**
**Сидқ хитоби яна ёнмас анга,**
**Чин деса ҳам, халқ инонмас анга.**

Бировнинг ёлғончилиги машҳур бўлиб қолгач, ҳар қанча чин гапирса ҳам, унга кишилар ишонмайдиган бўлиб қоладилар.

**Кимсага ҳар шевада қаллоблик,**
**Андин эрур яхшики каззоблик.**

Ҳар вақт қаллоблик қилувчи бўлгандан ёлғон сўзловчи яхши.

**Кимсани бот айламагил аржуманд,**
**Ҳам яна оз иш била қилма нажанд.**

Одамларни юқори мартабага кўтаришда шошилма ва оз, арзимаган иш учун хўрлама.

**Кулгуки, ўз ҳадидин ўлди йироқ,**
**Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.**

Ўз ҳаддидин ошган кулгидан йиғи яхши.

* * *

**Кимки ошиқ эрмас, ул эрмас киши.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

